



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 18 декабрь, чоршанба

№100 (11.488)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

«Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида

2003 йилнинг мамлакатимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан, маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим органи сифатида тугган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш заруратини инобатга олиб:

1. "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш.
2. "Обод маҳалла йили"га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.
3. Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:
 - маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тугган ўрни ва ролини аниқлаш; мазкур институтнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида ўз ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиб берадиган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ҳокимият тизими - туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ва нодавлат тузилмалари, шу жумладан, уй-жай мулкдорлари ширкатлари билан ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни танқидий нуктаи назардан таҳлил қилиш; бу борадаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, маҳалла ва юқорида зикр этилган органларнинг ваколат ва масъулиятларини, маҳалланинг фуқаролик ҳокимияти институти сифатидаги ҳуқуқий мақоми, маҳалла кўмиталарининг штатларини ва ташкилий тузилмасини қатъий белгилаб берадиган аниқ қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;
 - маҳалланинг моддий ва молиявий асосларини, бюджетини (даромад ва

4. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазириклари ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддат ичида "Обод маҳалла йили" дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.
5. Шу муддат ичида республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси аънаванавий уюмлар, тўйлар, дафн маъракалари ва бошқа миллий маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, илҳам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган аниқ амалий тақлифлар ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этсин.
6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур дастур пировард натижада аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга, унинг жойлардаги жамоа бўлиб яшаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимияти тизимини барпо этишда маҳалланинг ўзини ўзи ташкил этиш ва бошқариш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши зарур.
7. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ў.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри, 2002 йил 16 декабрь.

И. КАРИМОВ.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 декабрь куни Россиянинг "Газпром" оқсарида қўриқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

"Газпром"дек йирик компания билан ҳамкорлик Ўзбекистонга ҳам, Россияга ҳам катта фойда келтиради, - деди учрашувда Ислам Каримов.

Дарҳақиқат, "Газпром" дунёдаги йирик компанияларнинг бири ҳисобланади. Жаҳондаги казиб олинаётган табиий газнинг 20, Россияда эса 94 фоизи ушбу компания улушига тўғри келади. "Газпром"нинг муассиси Россия Федерацияси ҳукумати ҳисобланади. Компаниянинг 38,5 фоиз акцияси давлатга тегишли. Шунингдек, ярим миллиондан ортиқ жисмоний шахс компания-

"Газпром" "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан ҳам анчадан буён ҳамкорлик қилиб келади. "Газпром" бошқаруви раисининг юртимизга ташрифи эса мавжуд ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган.

Хусусан, мамлакатимизда газ казиб олиш, сотиш ҳажмини ошириш, газ транспорти тизимини ривожлантириш, ушбу соҳага сармоя жалб қилиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг газ саноати соҳасида кечатган хусусийлаштириш жараёнида "Газпром"нинг фаол иштироки ана шундай ҳамкорлик сирасига қиради.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан "Газпром" ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мамлакатимиз газ саноатини ривожлантиришда катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Бу борада истиқболли қўшма режалар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(У.А.)

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

2002 йил 28-29 декабрь
шанба ва якшанба дам
олиш кунларини 2002 йил
30-31 декабрь душанба ва
сешанбага кўчириш
тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

2002 йил 28-29 декабрь шанба ва якшанба дам олиш кунлари 2002 йил 30-31 декабрь душанба ва сешанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И.КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2002 йил 17 декабрь.



СИЗГА ШАРАФ, СИЗГА ШОН!

Куни кеча Чирчиқ шаҳридаги Кимёгарлар маданият саройида 2002 йилги Жаҳон, Осиё чемпиолатлари ҳамда ўн тўртинчи Осиё ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган вилоятимиз спортчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида фахр билан тилга олса арзийдики, биз мамнуният билан кузатётган йилнинг ҳам она-Ватанимиз спорти, ҳам спортчиларимиз ҳаётида гоёта барқалли, ютуқларга бой бўлди. Унлаб халқаро спорт майдонларида мустақил Ўзбекистоннинг байроғи баланд ҳиллаб, миллий мадҳияси баралла янгради.

Мамлакатимиз спортчилари эришган ютуқларда вилоятимиз вакилларининг ҳиссаси йилдан-йилга салмоқли бўлиб бораётгани биз учун янада қувонарлидир. Буни биргина мисолда яққол кўриш мумкин. Маълумки, Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари жами 51 та олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар. Шундан 21 тасини вилоятимиз вакиллари олиб берганлиги ҳар биримизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди, албатта.

Дарҳақиқат, вилоятимиз спортчилари 2002 йилда халқаро мусобақаларда ҳар қачонгидан ҳам юксак галабаларга эришдиларки, бунинг замирида жуда катта меҳнат, матонат ва фидойилик ётибди. Буни ҳар қанча олқишласан, тақдирласан арзийди.

Вилоят ҳокими Умнат Мирзақулوف тантанали маросимга тақлиф этилган спортчиларни, уларнинг устоз-мураббийла-



рени самимий табриклади, фаларни топширди. Вилоятимиз спортчиларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим ҳақидаги тўлиқ ҳисоботни газетанинг навбатдаги сонда қўйишиз.

Абдусамид
Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

СУРАТЛАРДА: Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақулوف бокс бўйича Осиё чемпиони Рустам Саидовни тақдирлашда; XIV Осиё ўйинлари совриндори, байдаркачи Юлиа Борзова; эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилиод Мансуров ўз соғаси ёнида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI TASHQI ISHLAR VAZIRLIGINING BA'NOTI

2002 йилнинг 16 декабрь куни соат 11.30 да Ўзбек дипломатларининг қаршиликларига қарамадан, Туркменистон Миллий хавфсизлик вазирлигининг 15 ходими Ашхабаддаги Ўзбекистоннинг хоризий ваколатхонаси ҳудудидagi элчи қароргоҳи ва ходимларнинг турар-жойларига кирди.

Туркменистон махсус хизмат ходимлари бекнинг олган туркман фуқароларини қидириш деб уларни уйлаб топган бахона билан тинтув ўтказганлар. Бинода бегона кишилар топилган, улар билан бирга олган, туркман миллатига мансуб номаълум шахснинг кўрсатмаларини видеосуратга туширдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги туркман томонидан амалга оширилган бу ҳаракатларни халқаро ҳуқуқ ҳамда Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси низоми норма ва тамойиллари, шунингдек икки томонлама давлатлараро битимлар кўпел равишда бузилган, деб баҳолайди.

Туркменистон махсус хизмат вакилларининг Ўзбекистоннинг дипломатик миссиясига нисбатан ноқонуний ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туркменистон Ташқи ишлар вазирлигига қатъий норозилик билдиради ва тегишли нота юборди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги туркман томонидан амалга оширилган бу ҳаракатларни халқаро ҳуқуқ ҳамда Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси низоми норма ва тамойиллари, шунингдек икки томонлама давлатлараро битимлар кўпел равишда бузилган, деб баҳолайди.

Туркменистон махсус хизмат вакилларининг Ўзбекистоннинг дипломатик миссиясига нисбатан ноқонуний ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туркменистон Ташқи ишлар вазирлигига қатъий норозилик билдиради ва тегишли нота юборди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги туркман томонидан амалга оширилган бу ҳаракатларни халқаро ҳуқуқ нормалари ва икки томонлама битимларга мувофиқ, Ўзбекистоннинг Туркменистондаги дипломатик миссияси ходимлари ва биноларининг хавфсизлиги ва дахлсизлиги қаролатини таъминлашни талаб этади.

Тошкент,
17 декабрь 2002 йил.

Тахририятда давра суҳбати АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Биз мамлакатимизда демократик тўб ўзгаришларни қўқурлатириши йўлидан бормоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентини иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг сессиясида суҳбат қилишга баён этилган асосий йўналишларни амалга оширишда вилоят суд, ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифалари, қонунийликни исроф ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш, бу жараёнда аммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратура, жинсий ва фуқаролик ишлари бўйича судлар, ички ишлар, адлия бошқармалари раҳбарлари ва бошқалар иштирок эттишти.

Давра суҳбатини «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг бош муҳаррири Фатхиддин Мухиддинов бошқарди.

Давра суҳбати ҳақидаги ҳисобот

Биз мамлакатимизда демократик тўб ўзгаришларни қўқурлатириши йўлидан бормоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентини иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг сессиясида суҳбат қилишга баён этилган асосий йўналишларни амалга оширишда вилоят суд, ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифалари, қонунийликни исроф ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш, бу жараёнда аммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратура, жинсий ва фуқаролик ишлари бўйича судлар, ички ишлар, адлия бошқармалари раҳбарлари ва бошқалар иштирок эттишти.

Давра суҳбатини «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг бош муҳаррири Фатхиддин Мухиддинов бошқарди.

Давра суҳбати ҳақидаги ҳисобот

Тахририятда давра суҳбати

ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИ ХИМОЯДА

Каримжон САИДОВ — Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг раиси: Жамиятимизда тубдан янгиланиш, кўпмилли ислохотлар давом этмоқда. Бу жараёнларда суд-ҳуқуқ идораларидаги ислохотлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузалари эса шу масалани ойдинлаштириш, олдимизга қўйилган вазифаларга аниқлик киритиш ва уларни амалга ошириш йўллари баён этишга бағишланди.

Фахри РАҲИМОВ — Тошкент вилоятининг прокурори: Бу ислохотлар нималарга қаратилганлигини, уларни амалга оширишдан мақсад нима эканлигини жамиятнинг барча аъзолари чуқур англаб етишлари бугун ниҳоятда муҳим. Бу маърузада илгари сурилган қоида ва ҳулосалар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда қонунларнинг устуворлигини таъминлашда дастуриламал бўлиб қолади. Президентимиз юридик-ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд идоралари жамиятнинг ташкилий шакллари тақомиллаштириш лозимлигига эътиборни алоҳида қаратди.

Шундан келиб чиқиб, нафақат қонунчилик, балки қонунларни амалиётда қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш соҳаларида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Судлар, прокуратура, суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этиш тўғрисида, судларни ихтисослаштириш муносабати билан бир қатор кодексларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Шундан буён ўтган муддатда, айтилик, вилоят прокуратурасининг ўзида бир қатор таркибий ўзгаришлар юз берди.

Зухра АЗИМОВА — Тошкент вилоят Адлия бошқармаси бошлигининг вазифасини бажарувчи: Суд, ҳуқуқ-тартибот органларида амалга оширилаётган ислохотлар шу идораларда ишлаётган ходимларни халққа яқинлаштириш, эндиликда, улар одамлар орасига тобора кенг ва чуқур кириб бормоқдалар, демократик, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда бу алоҳида аҳамият касб этапти.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ — Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари: Ички ишлар бошқармасининг оладинги бўлиши билан маҳаллаларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ёнма-ён ишлашмоқда. Милиция таянч пунктлари қошида спорт мажмуалари, йўл ҳаракати қоидалари бўйича машқ майдончалари, маънавий тарбия хоналари ташкил этилаётди. Бу аҳолининг турли қатламлари билан ишлашда аниқлик келмоқда.

Тўғри, ҳали милиция таянч пунктларимизнинг ҳаммаси ҳам ўз ишларини мукаммал йўлга қўй олганлари йўқ. Лекин, уларнинг 70 фоизидан бугунги фаолият савияси талаб даражасида, деб айта оламиз. Бу жиноятларнинг олдини олишга ўз таъсирини кўрсата болади.

Лазиз МУСАШАЙХОВ — Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси: Президентимиз қонунчиликни либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларини илгари

ри сурдилар. Эндиликда суд жазолаш аппарати бўлиб қолмай, балки ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш, ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат муассасасига айланиб борапти.

К. САИДОВ: Бу жараённинг муҳим қисми сифатида судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноят ишларини қўриб чиқадиغان алоҳида-алоҳида судлар ташкил этилди. Бунинг устуворлиги ҳижатлари кўп. Аввал

қонунчилиги, асослиги ва адолатчилигининг юқори судларда қўриб чиқиши ҳам ислохот қилиниб, фуқаролар суд қарорлари устидан апелляция ёки кассация тартибидан шикоят бериш йўли билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлдилар.

Ф. РАҲИМОВ: Қонунчиликни либераллаштириш муайян ҳижатдан намён бўлаётганлиги муҳим. Аввало, содир этилган жиноятлар учун озоликдан маҳрум

қилди. Уларга оғишмай амал қилиш жамиятда тинчликни, ҳаётда маъмуриликни, тарбияда баркамолликни таъминлайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буюн ўтган муддатда мамлакатимизда 370дан зиёд қонун қабул қилинди. Уларнинг ҳаммаси ҳаётимизнинг Асосий қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари ва талаблари замирида ишлаб чиқилган. Олий Мажлисининг қуни кеча ўз ишларини яқунлаган сўнгги

итларни бартараф қилиш талаб этилган 1841 та тақдимнома киритди. Бундай мисоллар нимадан дарақ беради? Аввало, айрим раҳбарлар қонун талабларига бўйсунганини истамайдилар. Қўпчиликда билиб туриб, қонунларни бузадилар. Натижада, халқда норозилик, раҳбарга нисбатан ишонсизлик кучаяди.

К. САИДОВ: Қонуннинг ижроси таъминланмаса, у қанчалик мукамал бўлмасин, нафи тегмайди. Раҳ-

ралари зиммасига катта масъулият тушади.

А. МУСАШАЙХОВ: Тўғри айтилган, қонун устуворлигини таъминлашда суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолияти етакчи ўрин тутади. Юртбошимиз тўққизинчи сессияда таъкидлаб айтдиларки, сўзда эмас, амалда шундай бўлмас экан, мақсадга эриша олмаймиз, қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги таъминланмай қолаверади. Суд мустақил бўлмас экан, қонун талаблари ва мезонлари

чилар қонунларимиз ва меъёрий ҳужжатлар талаби билан таниш бўлганида ёки уларни ҳурмат қилганларидан, шундай ҳолатлар бўлмаслиги мумкинми, деб ўйлайсан, киши.

К. САИДОВ: Айти шу ўринда эътиборларингизни бир масалага қаратиш истардим. Бу — суд, ҳуқуқ-тартибот идораларимизнинг оммавий ахборот воситалари, хусусан, газеталарнинг тахририятлари билан ҳамкорлиги масаласи.

Бир гап — суд идораларини ислох қилиш бошланиб, туманлараро фуқаролик судлари иш бошлаган дастлабки кунларда судьяларимиз шаҳар ва туман газеталари саҳифаларида мақолалар билан чиқиди, аҳолини амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифалари билан таништириб, қабул қилган қонунларнинг маълум қилишди. Шу боисдан, жойларда янги тузилган судларнинг иш фаолияти борасида бирор-бир англашилмовчилик, тушунмовчиликлар сезилмади.

З. АЗИМОВА: Қўпчилик ҳуқуқ-тартибот идораларида матбуот хизмати тизими шаклланмоқда. Хусусан, Адлия бошқармасининг бу хизмати матбуот, радио ва телевидение билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Натижада фақат кейинги ойларнинг ўзида ҳуқуқий тартибот маркази, айтилик, деҳқон-фермер ҳўжалиқлари бўлаётган тўққизинчи, шартномавий муносабатларнинг ибратли тажрибаси ва муаммолари, сўғурта пулини ундириш, қонун ва меъёрий ҳужжатларни тушунтириш бўйича телекўрсатувлар, радиодетрактлар, «Тошкент ҳақиқати» газетасида чиқишлар уюштириди. Албатта, буларнинг ҳаммаси халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини кўтаришга хизмат қилади.

У. АБДУЛЛАЕВ: «Қарс ички қўлдан» дейдилар. Умуман матбуот органлари билан ҳамкорликка киритилиши керак. Газетанинг суд-ҳуқуқ мавзусидаги ҳар бир чиқиши маъсурият билан боғлиқ. Шу тўғрисида билар матбуотчиларга, оммавий ахборот воситаларининг ходимларига яқинлашиб боришимиз керак. Ички ишлар бошқармаси буни ўз матбуот маркази орқали мунтазам амалга ошириб келмоқда.

Л. МУСАШАЙХОВ: Айрим суд мажлисларининг ижтимоий ҳижатдан тарбиявий таъсири катта бўлади. Шундай ҳолларда оммавий ахборот воситалари ходимларини тақлиф қилишимиз фойдали, албатта. Газета саҳифаларида «Суд залидан» деган рубрика мунтазам ўрин олса, бунинг нафи катта бўлади.

Ф. РАҲИМОВ: Матбуотнинг асосий вазифаси жиноят учун жазонинг муқарраллигини ўз ўқувчилари онгига синдириш деб ўйлайман. Оммавий ахборот воситалари билан яқинлашиб боришимизда ҳуқуқий маданиятини тарбиялашга, қонунларни ҳурмат қилиш, уларга бўйсиниш ва уларни бажариш кўникмасини синдиришга хизмат қилиши керак.

Суд, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг матбуотдаги ҳар бир чиқиши, шу маънода, ўзaro боғлиқ икки вазифани бажариши керак. Ҳам газетани ўқиши, қизиқарили қилади, ҳам газетонга ҳуқуқий билим, маънавий озиқ беради.

Айти шундай ишлаш орқали биз пировад натижада жамиятда қонун устуворлигини таъминлайми.

АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА



Фахри РАҲИМОВ



Каримжон САИДОВ



Зухра АЗИМОВА



Лазиз МУСАШАЙХОВ



Убайдулла АБДУЛЛАЕВ

ло, судьялар иш йўналиши ва хусусиятлари ҳижатидан ихтисослашди. Демак, қонунларни пухта ўзлаштириб олиш, уларни тўғри татбиқ этиш учун тегишли имконият яратилди. Натижада одил судлов сифати, суд қарорларининг қонунийлик даражаси кўтарилди.

Ф. РАҲИМОВ: Ислохотларнинг муҳим ҳижати — апелляция инстанцияси жорий қилинганлигидир. Бу суд ҳатоларини ўз вақтида тузатиш, суд иш юритишида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг муҳим қаророти бўлиб қолди. Шу нарса ҳам диққатга сазоворки, бугунги кунда апелляция инстанцияси суди ишни қайта қўриб чиқиш учун судга юбормасдан, ўзи мазмунан қўриб чиқишга ҳам ҳақли.

У. АБДУЛЛАЕВ: Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда маҳаллалар, қишлоқ ва шаҳарчаларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўз самараларини бера бошлади. Ислохотларнинг дастлабки натижалари сифатида шунга айтиш мумкинки, бугун вилоятимизда маҳалла посбонларининг 756 та тузилмаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда хизмат қилаётган 2881 посбон профилактика инспекторларининг чинакам ёрдамчиларига айланиб бормоқда. Уларнинг иштирокида йил бошидан буюн 500 тага яқин жиноят очилди, 10,8 мингдан зиёд ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

З. АЗИМОВА: Амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир ҳижатини унутмаслик керак. Президентимиз ўз маърузаларида қайта-қайта таъкидлаганларидек, улар судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий ҳижатдан таъминлаш имконларини очди. Эндиликда бу вазифани адлия идоралари қошидаги суд департаментлари бажара бошладилар. Бу ҳам судловни изчил ташкил этишга кенг йўл очяпти.

Л. МУСАШАЙХОВ: Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонуний бўлишига, қонун устуворлиги ва адолат мезонларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар бу ўринда ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсата бошлади. Ҳозиргина Фахри Хайдарович айтганларидек, эндиликда суд ҳукми, ажримлари ва қарорларининг

қилиш ҳоллари қисқарди. Маълумки, оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазолар жиноятчиликнинг олдини олишга сезиларли таъсир кўрсатмайди, буни ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш жазонинг оғирлиги, шафқатсизлиги билан эмас, балки қонунни бузишга мойил шахснинг жазо муқарраллигини нечоғлиқ англаб етишига боғлиқ.

З. АЗИМОВА: Шундай қонунбузарликлар ҳам борки, уларни қўриш ва бартараф этиш қўпчилик судгача етиб бормайди. Мен бу ўринда ихтисодий соҳадаги қонунбузишларни назарда тутмоқдаман. Бу ҳижат кўпроқ тadbиркорлик ҳаракатига айрим ҳўжалик ва маҳаллий давлат идоралари ходимларининг нотўғри муносабати, улар бу соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи давлат қонунларини билиб-билмай бузишлари оқибатида намён бўлмоқда. Ички ишлар, прокуратура ва адлия идоралари бундай қонунбузарликларга чек қўйиш йўлида ҳам қизғин иш олиб бормоқдалар.

У. АБДУЛЛАЕВ: Ислохотларнинг энг оммавий йўналишларидан бири — маҳаллаларда, қишлоқ ва шаҳарчаларда ярашув муассасаси жорий қилинганлиги бўлди. Бугун вилоятимизда 419та ярашув комиссияси иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолиятида қўпни кўрган, етарли ҳаёт тажрибасига эга бўлган баобрў кишилар қатнашиб, ихтисодий ҳавфи катта бўлмаган келишимчиликлар, тортишуви ҳолатлари улар томонидан муҳокама қилинмоқда. Натижада масала судгача етиб бормасдан, истиқомат жойининг ўзида жамоатчилик иштирокида ечим топмоқда. Бу комиссиялар шу йил мобайнида оила-турмуш доирасидаги 1873 та, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш билан боғлиқ 516 та ҳолатни қўриб чиқиб, қонун юзасидан ҳал қилди.

Ф. РАҲИМОВ: Шу йил мобайнида вилоят прокуратура идоралари 1433 та текширув ўтказиб, 1553 та қонуний ҳаракатларга раддиялар келтириб, турли ташкилот раҳбарларига қонунбузилиш ҳолатлари келиб чиқувчи шарт-шаро-

— ўинчи сессияси ҳам ниҳоятда муҳим қонунларни қабул қилди. Айтимоқчиманки, қонунчилигимиз асослари мукамаллашиб борапти. Лекин, гап уларга риоя қилишда, қонун асосида яшашни ўрганишда ва уларнинг ижросини таъминлашда.

Л. МУСАШАЙХОВ: Дарҳақиқат, қонунларнинг ижроси — кенг тушунча. Бунинг учун аввало ҳокимликлар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, ҳўжалик ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига катта масъулият юкланади. Зеро, жиноятчиликнинг келиб чиқиши у ёки бу қонуннинг маъсул шахслар томонидан бузилиши билан ҳам боғлиқ.

З. АЗИМОВА: Тўғри таъкидлагандек, масалан, қишлоқ ҳўжалигида қонунда кўзда тутилган қоидаларга амал қилиш бирмунча суст. Бугун деҳқон-фермерлар, пай эгалари ва ижарачи деҳқонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мобайнида қўпдан-қўп қонунбузарликларга, қонун ва меъёрий ҳўжатларнинг талабларига риоя қилмаслик ҳолларига дуч келмоқдамиз. Чунонки, деҳқонлар билан ширкетлар ширкат билан, ширкат эса, давлат билан тузган айрим шартномалар ҳеч қимга ҳеч қандай масъулият оқламайди. Масалан, ички ҳўжалик шартномалари мониторингини ўтказиш жараёнида 35,8 минг оила пудрати ва 2,5 минг ижара шартномаси ўрганилиб, 25,6 мингдан зиёд шартнома муайян нуқсонлар, камчиликлар ва қусурлар билан тузилгани аниқланди. Бундай камчиликларга Чиноз, Бўха, Янгийўл, Паркент, Тошкент туманларида айниқса, қўп дуч келинди. Асосий ҳолларда бу шартномаларда томонларнинг, қўпчилик — ҳўжалиқларнинг мулкий жавобгарлиги «унутиб» қўйилади. Айтилик, биргина Паркент туманидаги «Қоракалпоқ» ширкат ҳўжалигининг ўзида шу йилги 378та оила пудрати шартномасига ходимларимиз арашувчи билан шундай ҳўшимчалар киритилди.

Ф. РАҲИМОВ: Шу йил мобайнида вилоят прокуратура идоралари 1433 та текширув ўтказиб, 1553 та қонуний ҳаракатларга раддиялар келтириб, турли ташкилот раҳбарларига қонунбузилиш ҳолатлари келиб чиқувчи шарт-шаро-

барнинг амалдаги қонунлардан хабардор эканлиги, уни тўғри тушуна билиши эса бугунги кунда ниҳоятда муҳим. Бу ўринда бугун ҳўжалик, қорхона ёки ташкилотларда иш олиб бораётган ҳуқуқшунослар — юристларнинг маъқеи аниқ намён бўлиши керак. Ўзини ҳурмат қилган раҳбар малакали юрист билан бамаслаҳат иш кўради.

Ф. РАҲИМОВ: Қонунларнинг бу каби бузилиш ҳолатларига барҳам беришнинг йўли кўп. Прокуратура идоралари томонидан бу йил қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 2117 шахс интизомий, 4350 шахс маъмурий, 1846 шахс моддий жавобгарликка тортилди. Текширишлар жараёнида 76,1 миллион сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди. Моддий зарарни мажбурий ундириш бўйича 627,6 миллион сўмлик 2069 та давво аризаси судларга юборилди. Фақат 289 та ҳолатда жиноий иш қўзғатилди. Лекин, жазо, гари у энгил бўлса ҳам, муқаррал эканлигини қонунга итоат этмайдиган шахслар онгига синдириш бугунги энг муҳим вазифалардан биридир. Демократик, қонун талабларининг бузилиши каттами, жузъийми, барибир, бунга қонунни бузувчи жавоб бериши керак. Ҳар бир иш охирига етказилиши адолат тиклашининг асосидир. Бундай иш тутиш қонунлар бажарилишининг гарови бўлиб ҳам хизмат қилади, адолат устуворлигига фуқаролар ишончини кучайтиради. Бугун жамиятда қонунлар ишламаётганлиги ҳақида кўп гапирилади. Аслида қонунлар ишляпти, лекин бу жараёнга мукамаллик етишмайди. Айти шу ўринда суд, ҳуқуқ-тартибот идо-

бузилиши муқаррал. Қонунлар устуворлиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан тўғри ҳўжаликнинг ҳуқуқий ҳимоясини қўриш ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Бу тасмийлар Конституцияимизда аниқ белгиланган. Бизнинг асосий вазифамиз уларнинг тўлиқ ижросини таъминлашдир.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИК — МУҲИМ ОМИЛ

К. САИДОВ: Қонунларнинг устуворлиги амалдаги Конституциянинг принципларидан биридир. Бу қоидага риоя қилиш ҳуқуқий жамиятда алоҳида аҳамиятга эга.

Ф. РАҲИМОВ: Мустақилликка эришганлигимизнинг ўн иккинчи йилида яшаб туряптимиз. Ўтган йиллар мобайнида халқимизнинг маънавий-маърифий даражасида муайян ўзгаришлар юз берди. Шу жумладан, ҳуқуқий билимдонлик соҳасида ҳам.

Лекин бу жараённинг изчил-мукамал муваффақияти қўп омилларга боғлиқ. Уларнинг энг муҳимларидан бири — ҳуқуқий билимдонлик.


У. АБДУЛЛАЕВ: Шундайки, ҳуқуқий билими етарли бўлмаган киши ҳеч қачон баркамолликка даввогар бўла олмайди. Қонун билимасликдан қонун бузилишгача бир кадам.

Л. МУСАШАЙХОВ: Бу гапларга мисол тариқасида шунга айтиш мумкинки, гохи жиноят ишларини судда қўриш жараёнида шундай фактлар ҳам юзага қалқиб чиқадики, мабодо ақсарияти — катта-кичик раҳбар ёки мутахассис бўлган судланув-

Асосий қонуниimizi ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
76-модда: Ўзбекистон Республикасининг
Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи
бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга
оширади.



Асосий қонуниimiziнинг мазкур моддасида Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлисининг моҳияти, вазифалари ва унинг ҳуқуқий табиати белгилаб берилган. Конституцияга биноан Ўзбекистонда давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида фаолият кўрсатади. Олий Мажлис ҳокимиятининг қонун чиқарувчи тармоғини намояндалари қилади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси суверенитет эгаси сифатида мамлакатимиздаги ҳокимиятнинг бирдан бир манбаи бўлиб, Ўзбекистон халқининг хошироқасини ифода қилади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисини вакиллик органи сифатида тавсифлаб туриб, у Ўзбекистон халқининг вакиллик органи амалга оширишини таъкидлаш мумкин.

ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чиқарилади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ўз ваколати доирасида Конституция, конституциявий қонунлар, қонунлар ва қарорлар қабул қилади. Шунингдек, Олий Мажлис ҳамда унинг кенгаши мурожаатномалар, декларациялар ва баёнотлар ҳам қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 78-моддасининг 4-бандига мувофиқ, қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимияти органларининг тизимини ва уларнинг амалга оширадиган ваколати доирасини белгилаб беради. Мазкур масалалар аввало Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган ва ўзгартириладиган Конституция томонидан, шунингдек, мазкур Конституцияга мос равишда қабул қилинган тегишли қонунлар, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Президентини сайлаш, Вазирлар Маҳкамаси ва Конституциявий суди тўғрисидаги ҳамда бошқа қонунлар билан ҳал этилади.

Шулар билан бир қаторда, қонун чиқарувчи орган бўлиши, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳар томонлама барча масалаларни камраб олиш ваколатли бўлган органларининг ўрнини босмаслиги, Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари доирасидан четга чиқмаслиги ва давлатнинг бошқа органлари томонидан амалдаги қонунларга асосан, мустақил равишда ҳокимиятини амалга оширадиган масалаларга аралашмаслиги лозим.

Эргаш САИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия
Вазирлиги бошқарма бошлигининг
уринбосари, 3-даражали адлия
маслаҳатчиси.

Мамлакатимизнинг дунё сивасидаги обрў-эътибори ортиб боргани сайин хорижий давлатлар билан турли соҳаларда, хусусан, илмий-техникавий ва маданий жаҳаллардаги муносабатлари кўлами ҳам тора кенгаймоқда.

АЛОҚАЛАР КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ҳиндистоннинг ИТЕС — Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик дастурининг мамлакатимизда самарали татбиқ этилаётгани фикримизнинг исботидир.

ИТЕС икки томонлама ҳамкорлик ва кўмак дастури сифатида 1964 йилдан фаолият кўрсатиб келади. Ушбу дастур ҳамкор мамлакатлар вакилларининг Ҳиндистон олий ўқув юрталарида таълим олиши, турли лойиҳалар ва фаолият доирасида ёрдам кўрсатиш, экспертлар билан кўмаклашиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Истиклолга эришгач, мамлакатларимиз ўртасида ушбу дастур доирасидаги алоқалар кенгайди. Юртимизнинг ўнлаб ёшлари банк иши, журналистика, дипломатия, менежмент, ахборот технологиялари каби соҳалар бўйича Ҳиндистонда малака ошириб қайтди.

Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятларни кенгайтиришда нишонланган "ИТЕС кўни" да ана шулар ҳақида сўз борди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазир С.Ғуломов, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Факултети ва мухтор элчиси Ш.Шабҳарвал ва бошқалар давлатларимизнинг ИТЕС доирасидаги ҳамкорлиги жуда самарали келадигани ва унинг бундан кейин ҳам кенгайиб боришига умид билдирди.

(У.А.)

ҲОМИЙЛАР МУРУВВАТИ

Ангрен шаҳри ва Оққўрғон туманида ногиронларнинг турмуш шартларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Жумладан, яқинда Ангрен шаҳри ҳокимлиги ташаббуси билан ижтимоий таъминот бўлими ҳомийлигида турли ёшдаги етти нафар кишига ногиронлик аравачиси топширилади. Кам таъминланган оилаларга эса, озиқ-овқат

маҳсулотлари тарқатилади. Шунингдек, Оққўрғон туманида ҳам маҳалалар ва тадбиркорлар ҳомийлигида 504 нафар ногиронга 2 миллион 140 миң сўмликдан ортиқ хайрия ёрдами кўрсатилади.

Қўшма корхоналар: муаммо, мулоҳаза, таклиф

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг барча тармоқларига илоҳи борича кенг жалб қилишга қаратилган. Хорижий инвесторлар маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо этишяпти.

Вилоятимизнинг кўпчилик шаҳар ва қишлоқлари қатори Чирчиқда ҳам бундай фаолиятнинг самараси тобора ёрқин кўзга ташланмоқда. Бу ерда қўшма корхоналар йил сайин кўпайиб бораётиб. Уларнинг умумий сони йилгирматага яқинлашиб қолди. Шундан ўн тўртта ўш маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдирishга, экспорт салмоғига ҳисса қўшмоқда.

Бу корхоналарда яратилаётган ишчи ўринлари юзлаб чирчиқликларнинг фойдали меҳнатга жалб қилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Замонавий асбоб-ускуналар ва илгор технологиялар жорий қилинган бундай ишлаб чиқариш тизимларининг айримлари уч юз нафарга яқин ишчи-хизматчини бирлаштирган. Қўшма корхоналарнинг махсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан энг йириги «Кибо» болалар пойабзали-масъулият чекланган жамиятидир. Ўзбекистон ва Германия тадбиркорлари биргаликда ишга туширган бу корхонада 287 нафар фуқаро меҳнат қилмоқда. Улар жорий йилнинг тўққиз ойи давомида болалар учун деярли 900 миллион сўмлик оёқ кийимларни ишлаб чиқардилар.

«Чирком» ўзбек-немец қўшма корхонаси ҳам фойдаланишга топширилган 1996 йилдан бери бир маромда ишлаб келмоқда. Бугунга келиб, унинг ишчи-хизматчилари сони 172 нафарни ташкил этиб турипти. Шаҳарда аҳолига алоқа хизмати кўрсатишнинг яхшиланishi кўп жihatдан унинг жамоаси номи билан боғлиқ. Кўрсатилган бундай хизмат ҳажми йилнинг тўққиз ойида 880 миллион



Қуйичирчиқ туманидаги Мингчинор қишлоғида янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни қисқа фурсатда қуриб битказишда 3-қурилиш корхона жамоасининг меҳнатлари самарали бўлди. Бунинг учун давлат томонидан 55 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, хориждан 12 миллион сўмлик замонавий тиббий ускуналар келтириб ўрнатилди.


Ўтган қисқа вақт ичида янги шифо масканидagi шарт-шароит, шифокорларнинг малака ва тажрибалари аҳоли назарига тушиб улгурди. Беш нафар олий тоифали шифокор ҳамда ўн бир нафар ҳамшира беморлар дардига маҳкам бўлишмоқда. Айниқса, болалар шифокори Мастура Абдувалиева, ҳамширалардан Раъно Купикбоева, Дариҳа

Мамбеталиевалардан аҳоли миннатдор. — Шу кунга қадар мингчинорлик 187 нафар ҳомилдор аёлни тўла тиббий текширувдан ўтказдик, — дейди бош шифокор Мелигул Жақупова. — Улардан тиббий ёрдамга мутожарлар миқдорлари белгиланди. Ундан ташқари 1137 нафар қарияларни ҳам куриқдан ўтказдик. Қўйилган ташқисларга қараб 32 нафар кекса-



Мингчинорда янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни қисқа фурсатда қуриб битказишда 3-қурилиш корхона жамоасининг меҳнатлари самарали бўлди.

МИНГЧИНОРДА ЯНГИ ТИББИЙ МАСКАН



ларга Тошкент шаҳрида ва вилоятимизда жойлашган санаторийларга йўланмалар бердик. Айни кунда Мингчинор қишлоғининг ўсмир қизларини мутахассис шифокорларимиз тиббий куриқдан ўтказишяпти. **СУРАТЛАРДА:** «Мингчинор» қишлоқ врачлик пунктининг умумий куриши; шифокорлар беморларни тиббий куриқдан ўтказишмоқда. **Еркебой БОТИРОВ** олган суратлар.

Буюк Бобур ворислари

Республика Киночилар уйида "Буюк Бобур ворислари" ҳужжатли фильмнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қарамойи, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров ва бошқалар истиқлол заманимиздан етишиб чиққан буюк аллоҳларнинг ҳаётини чуқур ўрганишдек ҳечқанда имкониятлар эшигини очганини таъкидлади. Бунинг натижаси ўларок, бой тарихимиз, миллий меросимиз чуқур тадқиқ этилиб, халқимиз орасида кенг тарғиб қилинмоқда. Ана шу жиҳатлар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқроқ миқёсда нуфузини ошириш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтиришда ўзига хос аҳамият касб этаётди.

Истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг пок номларини тиклаш ва уларнинг маънавий меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Хусусан, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Фармонига кўра 1993 йилда бобоқалониимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги кенг нишонлангани ҳам бунинг ёрқин исботидир. Буюк шоир ижодини ўрганишда Бобур номидаги халқаро жағма ҳамда халқаро экспедициянинг салмоқли ҳиссаси бор.

"Буюк Бобур ворислари" фильми ҳам айнан шундай хайрли мақсадлар йўлида фаолият юритаётган фидойи ҳамюртимиз, Бобур номидаги халқаро жағма раиси Зокиржон Маширабов ҳақида ҳикоя қилади. Асарни "Ўзбекино" давлат акциядорлик компаниясининг Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида Қамчибек Кенжа сценарийси асосида режиссёр Собир Назармухамедов тасвирга туширган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг уринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
У.А. муҳбири.

ЯРМАРКА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт соғломлаштириш мажмуасида озиқ-овқат маҳсулотларининг республика улуржи савдо ярмаркаси ақкуланди. У Вазирлар Маҳкамасининг ярмарка савдосини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимизни эркинлаштиришга жиддий эътибор берилди. Бу жараён кичик, ўрта ва хушасосий тадбиркорлиқни ри-

вожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Шу билан бирга рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, уларнинг турини

кўпайтириш, ички бозорни ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар билан тўлдирishга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ярмаркада "Ўмевасабзавотузумсанот-халдинг", "ЎзМадпарранда-халдинг" компаниялари, "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик корпорацияси, "Озиқ-овқатсанот", "Еғмойтамақсанот", "Ўзпаррандасанот" уюшмалари, "Ўзгўштусанот" дав-



У.А.

СОНДА БОР, САЛМОҚДА ЙЎҚ

ортиқ шундай мосламаларни буюртмачиларга етказиб берди. «Узметалл-Технологид» масъулият чекланган Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонасида 98 нафар чирчиқлик ишлаб, ўтган тўққиз ойда салкам 13,5 миллион сўмлик маҳсулот — молибден тайёрлади. Ишлаб турган қўшма корхоналарнинг айримлари ички бозор қатори чет элларга ҳам маҳсулот етказиб беришда қатнашмоқда. Чунончи, «Узметалл-Технологид», Кипр билан биргаликда тадбиркорлар иштирокида барпо этилган «Металло-керамика», жорий йилда фаолият бошлаган ва англиялик сармоядорлар билан бунёд этилган «Осид Рениум Ресурс» қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Улар хорижий буюртмачиларга ўлчов ва ав-

томатлаштириш воситалари, рангилар металлдан молибден, ренийлар жўнатишяпти, айрим хизматлар кўрсатишяпти. Чирчиқ қўшма корхоналар барпо этиш, сонини кўпайтириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишларини таъминлашда вилоятимиз шаҳарлари ва туманлари ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турипти. Аммо, шу билан бирга қўшма корхоналар фаолиятида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг қатори кўрсаткичлари пасайди. Тўққиз ой давомида экспорт қилинган маҳсулот ҳажми фақат 142,1 миң долларни ташкил этди. Бу, аввало, маркетинг

қолди. «Вақтинча ишламаётган корхона»да йил охирида бораётганлига қарамай, ишининг кайта бошланишидан дарак йўқ.

Рўйхатда бор-у, аслида йиллаб ишламаётган, шаҳардаги қўшма корхоналарнинг умумий фаолияти яхшиланishiга салбий таъсир қилаётган бундай ҳужалик субъектлари яна бор. Украина сармоядорлари ёрдамида юзага келган «Вескаф» қўшма корхонаси ҳам юлдуз кўрмай жон берди. Туркия кишилардан телевизорлар йиғишга мўлжалланган бу тузилма ҳамон амалий ишга киришганича йўқ. «Асот» қўшма корхонасининг тақдирини ҳам шундай ачинарли бўлди. Унинг россиялик ҳаммуасосиси шартномада қайд қилинган мажбуриятларини бажаришдан бош тортиб, корасини кўрсатмай кетди. «Қувват» деб аталган қўшма корхонанинг эса, фақат номи қолди, ҳолос. Яши ниёт билан, энергетика асбоб-ускуналарини ўрнатиш ва таъмирлашга ихтисослаштириб, ташкил этилган бу тузилманинг «умри» қисқа бўлиб чиқди.

Қўшма корхоналар барпо этиш ва улардан фойдаланишдаги жиддий камчиликлар аввало ташкилотчилик иши пухта эмаслигиндан содир бўлмоқда. Хорижий шерикнинг имкониятларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, маҳсулотни маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқаришга етарли эътибор бермаслик, бозор талабини ҳисобга олмаслик, айниқса, ашёлар таъминотида четга қарамлик, шошма-шошарликлар шунга олиб келди. Бир йўла рўйхатдаги тўртта қўшма корхонанинг ишламаслиги жуда қимматга тушмоқда. Улар ўрнида янги тузилмалар барпо этилса, айни муддао бўларди. Еки сонда бор, салмоқда йўқ бундай тадбиркорлик тузилмаларини тугатиш масаласини кўриш лозим.

Мирсобир МИРХАМИДОВ,
"Тошкент Ҳақиқати"
муҳбири.

Халқ таълими

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Мустақилликимизнинг ўн иккинчи йилдамиз. Шу муддат ичида тутилган болаларда эркинлик, озодлик, қолаверса, Ватан, ватанпарварлик тушунчалари ўзгача бир бегубор, теран маъно-моҳир касб этмоқда. Бугун биз катталарнинг эзгу орзу-ниятларимизни, умидларимизни, порлоқ келажакимизни кўзга қилиб, улғайётган, жисман ва маънан соғлом, биллимон ўғил-қизлар ҳадемай сафимизга қўшилиб, буюк бунёдкорлик ишларимизда, албатта, мадд бўламак.

— Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг биринчи босқичи вафалари, асосан, бажарилди. — дейди Олмалик шаҳар халқ таълими бўлими мудири Людмила Ортикова. — Дастурнинг иккинчи босқичини амалга ошириш давомида барча таълим муассасаларида ишлаб, айниқса, изчил тус олмақда.

риш институтидида мактаб директорларидан беш нафари ўз малакасини ошириб қайтди.

Асосий эътибор таълим соҳасидаги қонунлар, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи босқичига доир вафалар, давлат таълим андозалари талабларининг бажарилишига қаратилляпти.

Олмалик шаҳар халқ таълими бўлими илгор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш масалалари билан тобора изчил шугулланмоқда. Фан ўқитувчилари учун амалий ва назарий семинарлар ташкил этиляпти. 13-ўрта мактаб педагогик жамоасининг бошланғич синфларда ноанъанавий дарсларни ташкил этиш тажрибаси шу ерда ўтган вилоят миқёсидаги ўқитувчилар семинарида оммалаштирилди. Уларда муаллимлар ўзларнинг маҳоратларини ишга солиб, илмий-амалий яратувчанлик, ижодкорлик, ташаббускорлик, ижтимоий-ташқиличлик, ижрочилик, педагогик амалиётчилик каби касбий фахриятларини намойиш этидилар.

Илгор педагогик тажрибаларни ёйишда ўқитувчилар шўбачаларининг роли ортиб борапти. Чунончи, бошланғич синфлар шўбасига раҳбарлик қилаётган 3-ўрта мактаб ўқитувчиси Қ. Хотамова бу бордада айниқса ибрат кўрсатяпти. Илмий-амалий яратувчанлик, ижодкорлик, ташаббускорлик ўқитувчиларнинг кундалик фаолиятида ўз самараларини бермоқда. Рус тили ва адабиёти фани ўқитувчилари шўбасининг раҳбари Л. Яршова янгиликлар яратиш, ноанъанавий дарсларни ташкил этиш борасидаги ўз тажрибасини касбдошлари билан ўртоқлашяпти.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент Ҳақиқати"
муҳбири.

МУСАВВИР ВА ТЕРРОРИЗМ

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида «Террорчилик — хавфсизликка таҳдид. Аёллар ва ёшларнинг террорчиликка қарши байналмилал бирлашувининг роли» мавзусида плакатни расмлар асарларининг кўриқ-танлови бўлди.

Мазкур тадбир Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамда айрим нодавлат нотихорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Терроризм, гиёҳвандлик каби

иллатларни бартафат этиш кўп жиҳатдан оилада, ёш авлодга оналар томонидан бериладиган тарбияга боғлиқ. Кўрик-танловга тақдим этилган барча асарларда кўтарилган ана шу долзарб муаммоларнинг асл моҳияти ўз аксини топган. Танловда кўпқаб талаба ёшлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси Руслан Халилов «Терроризм» асари учун танловнинг биринчи мукофотига сазовор бўлди.

Назокат УСМОНОВА,
Ў.А. мухбири.

ОЛИМНИНГ УМР ЙЎЛИ

Вилоят «Турон» кутубхонасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Наим Қаримовнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан ижодий кеча ўтказилди.

— Наим Қаримов ким тўғри-сида ёзма син, албатта бирон янги гап айтишга, ёзувчининг ижоди билан боғлиқ биронта муҳим тафсилотларни баён этишга уринади, — деди кечада сўзга чиққан Ўзбекистон Қахрамони, адабиётшунос олим Озод Шарофидинов. — Мустақиллик йилларида олим истеъдодининг янги кирралари намоян бўлди. Унинг профессори У.Норматов, академик Б.Назаровлар билан бирга яратган 9-синф ўқувчилари учун «Адабиёт» китоби танлов-

да голиб чиқди ва нашр қилинди. Аини чоғда олий ўқув юрти учун яратилган «ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи» китоби бу соҳадаги тадқиқотларни умумлаштирувчи асар бўлди. — Истиқлолдан кейин олим ижодида муҳим аҳамиятга молик янги бир мавзу пайдо бўлди. Бу мавзу замондаги оммавий катагон мавзуси бўлиб, Наим Қаримов унинг адабиётга доир жиллашларида Наим Қаримов 19 йил унинг тарихининг ўқилмай қолган ёдур нотўғри ўқилган саҳифаларини қайта тиклашга

ҳаракат қилди. У бир неча йилдан бери мустамлақачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссиясининг раиси сифатида ишлаб келмоқда. Олим «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини бунёд этишда, шунингдек, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этишда катта жонбозлик кўрсатди.

Тадбирда сўзга чиққан ёзувчи ва олимлар Н. Қаримовнинг адабиётшунослик соҳасида қилган меҳнатларини юксак баҳоладилар. Кейинги йилларда Ойбекнинг 20 жилди, Ҳамид Олимжоннинг 10 жилди, Фахруллоҳнинг 12 жилди мукаммал асарлар тўпламлари нашр этилишида Наим Қаримов 8 йилми раҳбар сифатида, ёдур фаол иштироки сифатида қатнашди. «Туркистон-пресс».


ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

ГУРУХ БАҲСЛАРИ ТОШКЕНТДА ЎТАДИ

Қитъамиз тарихида биринчи бор ўтказилаётган бу мусобақада Осие мамлакатлари чемпионлари йил давомида баҳс олиб бордилар. Осие футбол конфедерацияси томонидан саккиз жамоа тўғридан-тўғри гуруҳга киритилган эди.

Саккиз ўрин учун қизгин баҳс юритилди. Мусобақалар яқин ва шарқий минтақада олиб борилди. Мамлакатимиз шарафини гарбий минтақада «Пахтакор» ва «Нефчи» жамоалари ҳимоя қилдилар. Фарғоналик футболчилар икки ўйинни чиройли ўтказган бўлсаларда, тўплар нисбатига кўра Эроннинг «Истиқлол» жамоасига ўйинни бой бериб қўйдилар. «Пахтакор» эса, сунгги босқич ўйинини ҳам муваффақиятли ўтказиб, гуруҳ баҳсларига йўлланма кўлга киритди.

Тўртта гуруҳ голиблари ўзаро беллашиб, ярим финалчини аниқлайдилар. Низомга кўра «А» гуруҳи



Келаси йил баҳорда 16 жамоа тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақаларни давом эттиради. Қуръа натижаларига кўра, «Пахтакор» «Д» гуруҳида «Пирузи» (Эрон), «Ниса» (Туркманистон), «Ал талаба» (Ироқ), жамоалари билан баҳслашади. Ҳар бир гуруҳда иштирок этадиган жамоаларнинг

голиби «С» гуруҳи голиби билан, «В» гуруҳи голиби билан удрашади. Голиб чиққан икки жамоа чемпионлик ҳамда ярим миллион АКШ долларини миқдорда белгилаган пул мукофотини кўлга киритиш учун курашадилар. **Тальят ЮСУПОВ.**

ТАЛАБА ЁШЛАР ГУРУНГИ

Ёшларнинг соғлом турмуш тарзи руҳида камол топтириш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш, уларни оммавий тарзда ОИТСга қарши курашга чорлаш мақсадида вилоятимизда кўпқаб талаба ёшлари тадбирлари амалга оширилмоқда.

Чунончи, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зангиота туман кенгаши «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда кишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежидан «ХХ аср ёшлари — ОИТСга қарши» мавзусида очик мулоқот ўтказди. Тадбирда коллежнинг 250 нафар талаба ёшлари ва ўрта мактабларнинг юзори синф ўқувчилари иштирок этишди. Вилоят СПИД ва туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг ходимлари бу даражадаги даирнинг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолганлиги, ёшлар бундай разолатдан сакланишлари, онг-шурони, вақтни эрга ва хайрли ишларга сарфлаш лозимлиги ҳақида гапиришди. Талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Иштирокчиларга ОИТСнинг дахшатли оқибатлари ҳақида видео-лавҳа намойиш этилди. Энг асосийси ёшлар ОИТС, гиёҳвандлик каби аянчли иллатларнинг оқибатлари ҳақида мукаммал маълумот олашди.

Халқ табибати



Ўрта Осие табибатида қалампир мусуллар, бўғинларда оғриқ туриши, иситма чиқиши ва умуман, дармонсизлик билан ўтадиган шамоллаш касалликларига ишлатилади. Ибн Сино юрак фаолиятини кучайтириш, овқат ҳазмини яхшилаш, иштаҳани очиш, шунингдек, қорин дам бўлганида, зарда қайнаши, йўтал вақтида ишлатишни тавсия этган. Қалампирдан семирдиб кетмаслик учун ҳам фойдаланилади.

Замонавий табибатда қалампирнинг спиртда тайёрланган суоқлигини меъдадан шира ажратилиши кучайтириш ва овқат ҳазмини яхшилаш учун аччиқ модда тарихисидан, 10-20 томчидадан ичиш тавсия этилади. Бактерияларни ўлдирадиган хоссалари борлигидан бу суоқлик ўткир меъда-ичак касалликларига ҳам ишлатилади.

Қалампирни ўсимлик мойи билан аралаштириб, ревматик оғриқлар ва бошқа касалликларда чалғитувчи воқита тарихисидан бадан терисига суртилди. Меъда касалликлари (яра касаллиги, гастрит), ичак, жигар, буйрак хасталикларини, бавосилда аччиқ қизил қалампир ишлатиш тавсия этилмайди. Чучук қалампир севитамин махсулот тарихисидан камқонлик, лавша касалликларидан, дармон қуриб юрган маҳалларда, алмашиш жарбаинларини жонлантириш учун кенг қўлланилади.

Дам олиш кунини уй юмушлари билан банд эдим, қўшим Гулида чақириб қолди.

— Тинчликми? — сўрадим ундан.

— Нариги маҳалладаги Рихсида опа оламдан ўтган экан, фотиҳага бориб келсак...

— Майли, — дея кийиниб чиқдим ва йўл-йўлакай бир вақтлар билан даволанган ўша аёлни ўйлаб унга ачиндим. Чунки, у юрагининг тубида ҳеч кимга айтмасдан яшириб келган сирини менга ошкор этган, ҳўрсина-ҳўрсина шундай деганди:

— Ўша пайтда дугонам билан шаҳарга — унинг опасиникига бориб, кейин дўконларни айланиб келиш учун йўлга чиқдик.

Бекатда автобус кутиб тургандик, бир йигит келиб машинасини тўтатди ва сўради:

— Шаҳаргами, ўтиринглар... — Биз дугонам билан машинага чиқдик. Йўл-йўлакай у ёқ бу ёқдан суҳбатлашиб кетдик. Дугонам опасиникига тушиб қолди. Дўконларни айланиб, келишда дугонамни олиб қайтдик.


Шу-шу биз у йигит билан тез тез учрашадиган бўлдик. Мен дондон уни астойдил севиб қолганимдан оиласи бор-йўқлигини ҳам сўриштирмабман. Қутилмаганида, у бир кун мен билан муносабатини уйидагилар севиб қолганини, жанжал бўлиб, ҳатто ота-онаси ҳам билганини айтди. Мен бўлсам, ўз чиройимга махлиб бўлиб, «Агарда мени узоқроққа олиб қочиб кетмасангиз, биров илиб кетади» дебман. У ҳам шу гапимни кутиб турган эканми, ҳеч кимга билдирмай эканми, кийим-бошини олиб, узоқ

шаҳарга кетвордик. Ўша ерда ёлғиз бир кампирнинг ўйига жойлашдик. Сўнг домлага никоҳ ўқиттирдик.

Тожиқов ака бировларнинг уйида мардикорлик қилиб рўзгор тебратар, мен эса, уй эгасига ёрдамлашиб ўтирдик. Орадан кунлар,

— Синглим, яхшилаб ўйлаб кўринг, биринчи фарзандни йўқ қилсангиз, кейин умрбод армон қилсангиз, — деди.

— Йўқ опаю, армон қилмайман, хали ёшман, ўйнаб-қулиб қолай, фарзандга келсак, кейин



ҚИСМАТ
Биринчи фарзандидан воз кечиб, сўнгра унинг уволига қолган аёл ҳикояси

ойлар ўтди. Биз жуда бахтли яшардик. Бир кун Тожиқов акам йўқлигинида тобиқ қочиб қолди. Худди онамиздек бўлиб қолган уй эгаси «тез ёрдам» чакирди. Шифокор мени текшириб кўргач, бир неча ойдан кейин она бўлишимни айтди. Бу янгиликни мен кампирга ҳам, Тожиқов акамга ҳам билдирмадим. Эртаси кун бозорга чиқиб келиш баҳонасида касалхонага бориб, шифокорга яландим.

— Менга ҳозирча бола керакмас. Ҳатто уй-жойимиз ҳам йўқ, бировниқанда яшаймиш, нима бўлса ҳам, ундан воз кечимиз керак, — дедим. Шифокор бўлса:

Турмуш чорраҳаларида

ган отам «қизинг қочиб кетибди» деган иснодини кўтаролмай, ўзларини осиб қўйибдилар.

— Нима қилиш керак? Тақдирга тан бериб, бирга яшайвердик. Орадан йиллар ўтгани сайин, у киши мендан фарзанд қуттишдан қолмасди. Чунки олдинги турмушдан қўрган бир ўғил, бир қизи аллақачон отасидан воз кечган эди. «Ушларнинг уволига қолдик, шунинг учун биз фарзандлик бўлмапмиз», — деб кўнглимни кўтарари. Мени кўп шифокорларга қаратди, сихатгоҳларга, дам олиш ўйларига олиб борди. Барибир бўлмади. Охири бир бола асраб олишга қарор қилдик. Мен уни худди ўз боламдек бор меҳримни бериб катта қилдим.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас экан, биров бўлмас бошқаси барибир болага етказаркан. Ўғлим бизни ҳақиқий ота-онаси эмаслигини англагач, ҳар гапнинг бирини «сизлар мени боқиб олган-сизлар, катта бўлсам, барибир ўз ота-онамни топаман», — дерди.

Ёшлиқдаги қилган хатоимнинг азобини тортганман. Бу армонни вақти келиб куним битса, ўзим билан бирга олиб кетаман. Агар ўша вақтда ўз оиласи, фарзандларидан жудо қилганим етмаганди, иккинчи ўртамиздаги болани ҳам йўқ қилганимни эрим билса, мени у дунё-ю, бу дунё кечирмайдими, — дея Рихсида опа юм-юм йиллаганди.

Фотиҳадан қайтарканмиз, ёшлиқдаги хатоси учун умр бўйи ёниб-қуйиб, йилга ўтган аёл ҳеч хаёлимдан нари кетмасди. **Лутфиниса ОДИЛОВА.**

Қилмиш-қидирмиш

ҚАБИҲ НИЯТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР

Оҳангарон шаҳрида яшовчи Д. Рустам ўзига тегишли «ВАЗ — 2106» русумли автомашинада кира қилиб юрганида, «Берёзка» автобус бекатида номаълум 3 киши Олмалик шаҳрига олиб бориб қўйишнни сўради. Йўл ҳақи борасида ўзаро келишган, улар ўриндиққа жойлашади. Бироқ, манзилга етиб келгач, уни пул ўрнига темир труба зарби билан сийлаб, автомашинани минганча воқеа жойидан гоийб бўлдилар. Қўчада қолган машина эгаси эса, шаҳар ички ишлар бўлимига ёрдам сўраб келди. Кўп ўтмай зўравонлиқни В. Василий ва унинг шериклари Ц. Владимир ҳамда И. Марленлар содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди. Автомашинани Ангрен дарёси бўйида аудиомагнитофони ва бир дона балони йўқ ҳолда топилди. Тергов ҳаракати олиб борилмоқда.


ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА

Республикамиз ҳудудидан махсулотларни ноқонуний равишда четга олиб чиқиш, қўшни давлатлардан турли хил товарлар шу зайдда олиб кирилишини олдини олиш борасида бир қатор ишлар қилинаётди. Натижада айрим кимсаларнинг қилмишлари фож этиляпти. Жумладан, Тошкент туманида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи Э. Мирза ўзига тегишли «ГАЗ — 31» русумли автомашинада айланма йўл орқали нархи 2.481.500 сўм бўлган буюмларни ноқонуний равишда Ўзбекистонга олиб кириб келаятигидан тўхтатилди. Шунингдек, Оҳангарон туманида жойлашган Бекостин йўл-патрул хизмати масканида «КамАЗ» русумли автомашина тўхтатилди. Унинг юкқонаси текширилганида, Эрон Республикасида ишлаб чиқарилган антифриз борлиги аниқланди. Автомашинани қўқонлик Н. Азимга тегишли бўлиб, уни ишонч қоғози билан ҳамшаҳари А. Пирмат бошқариб келаятиган экан. Товар ҳеч қандай ҳужжатсиз, қонунга хилоф равишда олиб келинаётганлиги маълум бўлди.

Шерали АНВАРОВ,
Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот маркази ходими.

Бўш вақтларингизда

НОН ШАҲРИНИ БИЛАСИЗМИ?



Бўш вақтларингизда

НОН ШАҲРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Энига: 5. Рашод Нури Гунтекин асари. 6. Хива хонларидан бири. 7. Хива хонларидан бири. 8. Амир ва хонлар саройида бош вазирга тенг бўлган йирик амалдор. 9. «Исмалок»нинг арабча номи. 11. «Нур қидириб» асари муаллифи. 12. Шарият ҳукми бўйича ёйиш ман қилинган озик-овқатлар. 14. «Кизил елканлар» фильмидаги капитан Грейнинг машуқаси. 17. Қалин қоғоз. 18. Хорижий автоулов русуми. 19. Урушда берилган талафот. 20. Столбол ўйини. 23. Ит лақаби. 27. Одиссейнинг ватани. 28. Дастор. 31. Илдизи кўпиртириш хусусиятига эга бўлган ўсимлик. 34. Озарбайжон шоири. 35. Икки қўзи бир томонда бўлган денгиз бағлиги. 36. Беливядига шаҳар.

11 декабрь сонида берилган кроссворднинг жавоблари:

ЭНИГА: 1. Баҳз; 5. Беватан; 8. Балиш; 9. Тарим; 13. Булис; 14. Терак; 19. Бақис; 20. Ноқдаун; 21. Товус; 24. Беда; 25. Марка; 26. Буққа; 27. Сар; 31. Арава; 32. Анерид; 33. Салот; 36. Аорта; 37. Сотти; 40. Акула; 41. Сивас; 43. Абришим; 44. Ана.

БҲЙИГА: 2. Абак; 3. Бедил; 4. Таран; 6. Балик; 7. Тибет; 10. Буйини; 11. Барда; 12. Талук; 15. Баядер; 16. «Тошкент»; 17. Қуруши; 18. Тувалок; 22. «ББС»; 23. Тил; 28. Авлод; 29. Армон; 30. Саули; 34. Атака; 35. Соғар; 38. Алби; 39. Сиб; 42. Синч.

«Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳриратини жамоалари таҳрират фаҳрисини, танлиқ журнални, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Исмомил СУЛАЙМОНОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Тошкент туманидаги Тўлабий номи ширкат хўжалиги бош пудратчи **Сийдан ИБРАГИМОВ**нинг бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

Қуйичириқ туман ҳокимлиги жамоаси тумандаги таҳриба-механика заводи директори **Геннадий Борисович РОДШТЕЙН** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ **Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ** **Бош муҳаррир** **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ** **Шофаронлар:** **Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48** **Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.** **Манзилимиз:** **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.** **Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.** **Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳриратни компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.** ● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.